


ЖАМИЯТ ВА ШАХС



Бахтни инсоннинг ўзи яратади

дейди меҳнат фахрийси, зиёкор Файзулло Муҳаммадиев



Кичик кўрпа Каттакўрғоннинг хуштабиат, обод қишлоқларидан. Қишлоқ аҳли шу ерда туғилиб, ўсган Ўзбекистон Қахрамони Ҳасан Нормуродов, шоир, журналист Самариддин Сирожиiddinov, олимлар Тойир Қурбонов, Шўхрат Сирожиiddinov, тadbиркор-деҳқонлар, педагоглар билан фахрланишади. Ибратли умрининг 70-довонига қадам қўяётган фахрий муаллим Файзулло Муҳаммадиев қишлоқнинг ана шундай хурмату эътиборга сазовор кишиларидан.

Ф.Муҳаммадиев ўн бир фарзандни ўстириб, элга қўшган Зу-байдулло бобо ва Ҳанифа аяларнинг оиласида туғилиб воғая етди. Деҳқон оилада улғайганига қарамай ёшлигидан билимга меҳр қўйди.

Мактабни, сўнгра 1970 йилда Самарқанд педагогика билим юртини битириш келажак ҳаёт йўлини белгилаб берди, - дейди Файзулло ака. - Меҳнат фаолиятини ўқитувчилардан бошладим. Орада армияда йигитлик бурчимни ўтаб қайтдим. Сўнгра педагогика фаолиятини давом эттириб мактабларда, билим юртида ёш авлодга фанлардан, эзгулик ва одамийликдан сабоқ бердим, шаҳар ёшлар ташкилотиди ишладим. Билим ва тажрибани ошириш учун Тошкент педагогика институтини сиртдан ўқиб битирдим.

Ф.Муҳаммадиев барча вазибаларда, ўзига билдирилган ишончини қатъий масъулият билан оқлади. Шаҳар, туманда халқ таълимини юқори савияда ташкил этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ободончилик, қурилиш ишларида катта ҳисса қўшди. Моҳир ташкилотчи, тажрибали педагогининг

2005 йилдан 2018 йилгача фаолияти Каттакўрғон педагогика коллежиди талабаларга дарс бериш билан кечди. Шунинг билан бирга коллеж қошида «Нуроний» жамоатчилик маркази ташкил этиб, унга раҳбарлик қилди. Марказ республика танловининг вилоят босқичида биринчи ўринга лойиқ топилди. Файзулло ака кўп марта туман, шаҳар кенгашларида депутатликка сайланиб, сайловчилар ишончини оқлаган.

Ф.Муҳаммадиев пенсияда бўлишига қарамай, жамоат ишларида фаол. Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Каттакўрғон шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари.

Давлатимизда кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кучимизга - куч қўшяпти, - дейди Файзулло ака. - Шаҳардаги 36 маҳаллада яшовчи нуронийлар бу ғамхўрликдан мамнун ҳаёт кечираяпти.

Маҳалладошлари Файзулло акани ибратли оила бошлиғи сифатида ҳам ҳурмат қилишади.


Мен умрим давомида нимага эришган бўлсам, қувончу ташвишларимни баҳам кўриб, доимо ёнимда қўллаб-қувватлаб турган турмуш ўртоғим Меҳриносонхондан миннатдорман, - дейди Файзулло ака.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Биласизми?

Мадрасалар деворларида қандай мисралар битилган?

Самарқанд шаҳрига келган киши албатта, Регистон майдонини кўрмай кетмайди. Мирзо Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари нафақат ташкил қилиниши, балки деворларидаги араб имлосида ёзилган нақшинкор битиклари билан ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортади. Уларда инсонни илмга, эзгуликка чорловчи Қуръони карим оятлари ва ҳадислар битилган.



Мадрасаларнинг пештоқи, минораларнинг юқори қисмидаги нақшларда оқ рангли сулс хатидан фойдаланилган.

Миноранинг пастки қисмида «Қуфи» хатининг геометрик шаклида Аллоҳнинг улуглигини эслатувчи тасвехлар ёзилган. «Боқий қолиш фақат Аллоҳга хосдир», деган сўз кўп такор қилинган. «Ё ҳаё - ё қаюм», бу жойда Аллоҳнинг икки сифати ҳақида маълумот бериляпти - «Аллоҳ тирик ва қаюмдир» (абадий).

Улуғбек мадрасасида жойлашган ҳужра эшигининг устки беазида Пайғамбаримизнинг «Илим дунёда иззатдир, охирадта шафоатдир», деган ҳикматли сўзлари ёзилган.

Шердор мадрасасининг ўнг томондаги кириш эшиги устки лавҳасида Қуръони карим сураларининг биринчи ноzil бўлган ояти - «Қолу Аллоҳу таоло», яъни «Аллоҳ айтади» деб битилган.

Аслиддин САФАРОВ.

Ахлоқ чорраҳасида

Бош врачимиз зудлик билан чақиртириб қолди. Илгари инсульт олган нуфузли идора бошлиғининг хузурига тез етиб боришим керак экан. Қабулимдаги беморларнинг норозилигига қарамай йўлга тушдим. «Йўнашмагин арбоб билан...», деган гап бор-а!

Ўзингни осмон чоғлама, тупроқ бўласан...

...Етиб бордим. Қабулхонани кўриб, хангу манг бўлиб қолдим. Шунанга шохона безатилганки, кўриб ваҳима босди. Котиба нимага келганимни билган, ичкарига кириб кетди. - Кутаркансиз, шефнинг ёнида одам бор. - Қабулимда беморларим кутиб қолди, синглим, фурсатим йўқ.

Мен нима қилай, беморларингиз кутаётган бўлса, ичкарида катта одам бор!

Ичим қизишиб, ориятим қўзиди. «Тавба, мен мижоз эмасман-ку, тез ёрдамга чақиринган».

Шу пайт салобатли икки киши ичкаридан чиқиб келишди. Бошлиқни дарҳол танидим, тўйда кўргандим. Ўрнимдан дик туриб салом бердим. На саломимга алик олди, на оқ халатимга, на қўлимдаги «тез ёрдам» кутчасига эътибор берди.

Чиқиб кетишди. Келганимда ўрни кўрсатиб турган девор соат ўн икки бўлди ҳамки, бошлиқдан дарак йўқ. Бир пайт ортидан икки-уч ходимни эргаштирган бошлиқ менга эътибор ҳам бермай хонасига кириб кетди. Ўрнимдан туриб ортидан кирдим.

Кечирасиз, бош врач юборувди, тез ёрдам керак экан, - дедим муддаомни айтиб. - Юборган бўлса, кутиб тур. Кўряпсан, вақтим йўқ.

Ҳайрон бўлдим. «Адашиб келдиммикан, бу ерда тез ёрдамга муҳтож одам йўққа ўхшайди-ку».

Муродим УМРЗОҚОВ, шифокор.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ КОЛЛЕЖЛАР ТУГАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизimini янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармонига асосан Самарқанд вилояти бўйича фаолиятини давом эттириш назарда тутилмаган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 декабрдаги 1101-сонли буйруғига асосан юридик шахс сифатида тугатилиши кўзда тутилган касб-хунар коллежлари рўйхати:

Table with 4 columns: №, Коллеж номи, Манзили, Ҳуқуқий вориси бўладиган коллеж. It lists various colleges and their administrative details across different districts of Samarkand region.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАСБЎЙИ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ.

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Самарқанд вилоятида сув тармоқлари ва йўлларни таъмирлаш лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган қурилиш ишларининг аҳолига ва атроф-муҳитга таъсири бўйича ўрганиб чиқилган натижалари юзасидан «Экостандарт эксперт» консалтинг компанияси томонидан 2020 йил 14 январь куни соат 14:00 да аҳоли хабардорлигини оширишга мўлжалланган жамоатчилик муҳокамаси ўтказилади. Тадбирда лойиҳанинг ижтимоий ва экологик таъсирини баҳолаш бўйича ўрганилган натижалар юзасидан тақдирот бўлиб ўтади. Учрашувга Самарқанд шаҳри Гагарин ва Амир Темура кўчаларида истиқомат қилаётган аҳоли ва барча кизикувчиларни таклиф этамиз. Мурожат учун телефон: (71) 237-51-39. «ЭКОСТАНДАРТ ЭКСПЕРТ» КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИ МАЪМУРИЯТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Булунғур туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 19 июнда 735422 реестр рақами билан рўйхатга олинган «KAMILICHKA FAYZ» мактабгача таълим ташкилоти (қисқартирилган номи: «KAMILICHKA FAYZ» МТТ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетдада эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади. Муассасанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Булунғур тумани Кўнғирот МФЙ. Муассасанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306517807.

Манзил: Булунғур шаҳри Муस्ताқиллик кўчаси.

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Муҳаммадиева Айшага (2017 йил 21 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси. БЕКОР ҚИЛИНАДИ Ургут иқтисодиёт коллежидан 2011 йилда Тўраев Раъз Эокир ўғли номига берилган рўйхат рақами 2922, № 1687264 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Пайариқ туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Буранов Санжар Сайдуллаевич номига берилган О'Р-А № 1476720 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МАЪРИФАТ

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги олдидан

Жартепа ибодатхонаси – ноёб обида



Ўзбекистон Фанлар Академияси Я.Ғулумов номидаги Археологик тадқиқотлар институти археологик топилмаларни таъмирлаш лабораторияси реставраторлари Афросиёб, Жартепа, Қоратепа, Ерқўрғон, Зартепа каби археологик ёдгорликлардан топилган ноёб деворий суратларни ва ҳайкаллари таъмирлаб, сақлаб қолиш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ноёб осори-атиқалар институт ташкил этилганлигининг 50 йиллиги олдидан Франция, Хитой ва Япониянинг машҳур музейларида намойиш қилиниши режалаштирилган.



Яқинда реставратор Баҳриддин Болиев раҳбарлигида Ургут туманидаги Жартепа ибодатхонаси макети лойдан ясалди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Суратларда: илмий ходимлар – Мўминхон Саидов, Суръат Кубаев, Баҳриддин Болиев «Жартепа ибодатхонаси» макети ёнида; таъмирловчи-тахлилчи Гулнора Аҳадова.

Сайланадургон вакилимизни(нг) илмий фикри, дониши, ғайрати, ҳиммати, жонсипорлиги, муслим ва ғайримуслимни аҳвол ва маишатида воқифлиги, дин ва дунёдан боҳабарлиги бобига фикр ва таҳқиқ этмоқ лозимдир. Нима учун ва кимлар беш йиллик сайланадур, шоядки, вакилимизни биргина раъй, талаб ё мудофааси қабул ва Миллат мажлисига маъқул бўлинса, ақал маротиб ўн йилгача бизга нафи тегадур. Худо сақласун, нодон ё хушқамас бўлса, андан келатургон зарар ҳам ўн йилгача бизни абгор қилса керак.

Эй азизларим ҳам ҳамватанлар! Ожизона арз қилурманки, шу хизматларни бажо келтиратургон кишиларни вакил сайламоқ керак, олим дин ва дунё кишини ахтармоқ лозим, агарда Туркистондин олим дин ва дунё киши топилмаса, бир олим дин ва дунё кишини жуфт-жуфт этиб сайламоқ керакдур... Камина роқими хуруф Самарқанд областидаги ҳамватанларимга холисанилоҳ маслаҳат бериб, ўз билишимни арз қиларманки, Самарқанд шаҳрини биринчи қитъа қозиси Мулло Мирзо Ниёз Мухаммадни, бир неча йиллар муфтилик, бўлустнойлик, истарший оқсоқоллик қилиб ва беш-олти йилдан бери ҳаммадан беҳроқ қозилик қилиб ту-

Беҳбудий ёзадилар: Россия Давлат Думасига кимни вакил қилиб сайлаймиз?

рубдур ва бизни шаҳар ва уезд халқини диний маишатини...биладур. Иккинчисига, Самарқандий дўхтур Абдурахмон Фарходфни сайласа ҳам бўладурки, форсий, туркий хат саводи бор...

Биринчи Думаға биздан вакил борган йўқ. Иккинчиға борди ва аммо оз. Туркистонни беш областиға ўн миллиёнға яқин муслмон ва етмиш минг қадар насоро бордур. Бу икки тоифани ҳар бирдан 6 нафардан вакил талаб қилиниб эрди. Ҳануз бизни дард ва талабимизни баён қилмасдан илгари Иккинчи Дума вакиллари фукаро нафи ва ҳукумат зарарига бўлгани учун ва баъзи вакиллари фикри, балки дин ва ҳукуматни бўзмоқчи бўлгани учун қолдилар. Учунчи Дума учун сайлов қоидаси эълон қилинди. Биз, туркистон-



ликлар ва Сибир халқларини учинчи Думаға вакил юбормоқдан вақтинча маҳрум

қилинибдур. Холбуки, биз юборган вакиллардан ҳукуматнинг аксига сўзлагани йўқ. Ва Туркистон вакилларида ёлғуз Самарқанд вакили Тошғуллод Халилов ер солигини озамоғи хусусида биргина мартаба сўйлаб эрди.

Эй Туркистон муслмонлари, биродарлар, ибрат назари ила боқинг, ҳолимиз на-дур? Бу кун бу ишда саъй қилмасак, эртага дин ва маишатимизға (тирикчилигимизға) зарар келур, сўнгра иложсиз қолурмиз. Депутат юборайлуқ, подшоҳимиз одил ва меҳрибондур. Ўн миллиён халқ тарафидан ҳукумати ҳумоюн боргоҳларига борган депутатларни ноумид ва куруқ, албатта жўнатмайдулар... Ва илло, бул турушимиз ила йўқ бўлармиз...

Тўловчи: Нусрат РАҲМАТ.

Олимпиада йили: Самарқанддан кимлар Токиого боради?

Бу йил Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ўларнинг Олимпия ўйинларида қатнашиш учун вилоятимиздан 33 нафар спортчи курашмоқда. Айтилган пайтда 13 нафар спортчимиз энг

кўп рейтинг очкога эга бўлиб, уларнинг лицензия олишлари учун «бир қадам» қолди. Жумладан, дзюдо бўйича Сардор Нуриллаев, Диёра Келдиёрова, Мухаммадкарим Хурра-

нов, Шехроз Ҳақимов, Абдулла Мухаммадиев, Байдарка ва каноэда эшак эшишдан Нурислому Тўхтасин ўғли, енгил атлетика бўйича Руслан Қурбонов асосий рейтинг очкога эга бўлиб, Олимпиадага йўлланма олиши кутилмоқда.

Хусан ЭЛТОЕВ.

Тахририятимизга 2019 йилда муштарийлардан қанча мактуб келди?

Тахририятимиз 2019 йилда муштарийлардан 1910 та хат олди. Мактубларнинг 1850 таси газета саҳифаларида чоп этилди. Жумладан, 1701 та муштарийлар томонидан билдирилган фикр, мулоҳазали мақолалар, 46 таси шикоят хатлар ҳамда 163 та шеър ва хикоялардан иборат.

Кимнинг мақоласи яхши?

Ўтган йилнинг декабрь ойида Мурод Қурбонзода «Ойнинг энг фаол жамоатчи муҳбири», Мамаюнус Пардаевнинг «Керакли нашр обунаси «мажбурий» бўлиши керак» сарлавҳали мақоласи «Ойнинг энг яхши мақоласи» деб топилди.

Сизнинг танловингиз биз учун муҳим

Азиз муштарийлар! 2020 йилнинг ҳар ойида «Энг яхши жамоатчи муҳбир», «Энг яхши мақола» сизнинг овозингиз орқали аниқланади. Бир ой давомида газетамизни кузатиб, ойнинг энг яхшиларига овоз беринг. Сизнинг танловингиз биз учун муҳим. **Телефонлар: 66-233-91-53. 90-602-08-22.**

Шу ойда таваллуд топганлар

- 5 январь**
Раҳматжон **ЛАТИПОВ** – 1941 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.
- 6 январь**
Пўлатжон **НОСИРОВ** (1948-1999) Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси академиги.
- 8 январь**
Исроил **МИРЗАЕВ** – (1938-2007) Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган. Филология фанлари доктори.
- 9 январь**
Улуғ **ТУРСУНОВ** – (1905-1971). Кўкон шаҳрида туғилган. Тилшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни кириб келган янги – 2020 йил билан қутлайди.

Сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барақа, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз.

Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!

Қутлов, реклама



Ҳажми 2 босма табак, бичими А-2

